

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТТА ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТЕРАПИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШГА ЗАМОНАВИЙЁНДОШУВЛАР”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2019**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва  
дастур асосида тайёрланди.**

- Тузувчилар:** ТТА, даволаш факултети, 1 -сон факултет ва госпитал терапия кафедраси касб касалликолари курси билан доценти, т.ф.д., **Г.С. Агзамова**  
TTA, тиббий педагогика факултети, факултет ва госпитал терапия кафедраси доценти, т.ф.н. **З.Ф. Умарова**  
TTA, тиббий-педагогика факультети реабилитология, халқ табобати ва жисмоний тарбиякафедраси мудири, т.ф.н., доцент **А.А. Усманходжаева**
- Тақризчилар:** Тақризчи: Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази лойиха раҳбари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги **Аляви А.Л.**  
TTA, 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси, т.ф.д., профессор **Насриддинова Н.Н.**

**Ўқув-услубий мажмуа ТТА Илмий кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I.	ИШЧИ ДАСТУРИ.....	5
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	20
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	62
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	72
VI.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	107
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	111
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	117

## I. ИШЧИ ДАСТУРИ

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №797-сон Қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“ТЕРАПИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШГА ЗАМОНАВИЙ**

**ЁНДОШУВЛАР” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини терапия фанларининг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, таҳлил этиш ва баҳолаш қўникум ва малакаларини таркиб топтириш.

**“ТЕРАПИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШГА ЗАМОНАВИЙ**

**ЁНДОШУВЛАР” модулининг вазифалари:**

- давлат таълим стандарти талаблари асосида фаолият юритиши;

- терапия фанларини ўқитишда педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиш жараёнинин технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

- тингловчиларнинг терапия фанлари муаммоларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- терапия фанларини ўқитишда қўлланиладиган ўқув-услубий таъминот ҳақида тушунча бериш;

- терапия фанлари муаммоларини ҳал этишда қўлланиладиган ўқув-услубий материалларни амалиётга татбиқ этишга ўргатиш;

- тиббиётда мутахасиз фанларни ўқитиш методикаси;

- терапия фанлари муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиша ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенция қўйиладиган талаблар**

**“ТЕРАПИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

-терапия соҳасида эришилган сўнгги ютуқларни ва илмий адабиётларни;

-терапия фанларида профессор-ўқитувчиларнинг “педагогик маҳорати”;

-терапия соҳасида республикамиизда ва хорижда олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни ва уларнинг натижаларини;

-турли терапия касалликларининг хозирги замондаги кечиши, дунё бўйлаб тарқалиши;

-терапияда қўлланиладиган замонавий диагностик ва даволаш усулларини;

- тиббий хизмат кўрсатиш умумий амалиёт шифокори категорияларини;

-касалликларнинг янги таснифларини;

**билиши керак.**

### **Тингловчи:**

- Терапия касалликларга ташхис қўйишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, МКБ-10 бўйича ташхис қўйиш;
- терапия соҳасидаги даволаш стандартларидан самарали фойдаланиш;
- даволашда Республикаизда қўллашга рухсат этилган дориларни тавсия этиш;
- терапия касалликларини даволашда интегрирлашган усулдан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- терапия соҳасида учрайдиган касалликлар диагностикасида илғор хорижий тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш;
- соҳасидаги касалликларни даволашдаги инновациялардан фойдаланиш;
- терапия фанларда муаммоли ўқитишни қўллаш;
- терапия йўналиши касалликларнинг интегрирлашган усулда даволаш
- терапия йўналиши фанларида замонавий диагностик ва даволаш стандартларини амалиётда татбиқ этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- тиббиёт илмига оид журналларни доимо мутолаа қилиш;
- Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги буйруқларига амал қилиш;
- Турли терапия касалликларни эпидемиологиясини, ўсиши ва ривожланишини мониторинг қила олиш;
- терапия соҳасида касалликларнинг олдини олишнинг замонавий усулларини;
- терапия фанларида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати амалиётга татбиқ этиш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“ТЕРАПИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР”** курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, “SCAMPER” усули ва симуляцион таълиминтерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “**ТЕРАПИЯДА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЯНГИЛИК ВА ЮТУҚЛАР** ” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>					
		<b>Хаммаси</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>			<b>Жумладан</b>	<b>Мустақил таълим</b>
			<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Ҳаммалии</b>		
<b>НАЗАРИЙ ҚИСМ (маъruzалар)</b>							

1	Терапия фанларида профессор- ўқитувчиларнинг педагогик махорати. Терапия фанларини ўқитишида педагогик жараённинг вазифалари. Симуляцион таълим.	2		2			
2	Терапевтик фанларда муаммоли ўқитишини қўллаш. Терапия фанларини ўқитишидаузлуксиз таълим тизими учун электрон ўқув адабиётларини яратиш усуллари.	2		2			
	<b>Жами</b>	<b>4</b>		<b>4</b>			

1	Терапия фанларини диагностика даволаш стандартлари ва протоколлари.					4	
---	---	--	--	--	--	---	--

	Клиник фармакологияси. Эндокрин касалларында артериал гипертонияси мавзусида замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш. Ўқув-симуляция лабораториясида талабаларга сифатли билим бериш, назария ва амалиётни уйғун олиб бориш.					
2	Терапия фанларини янгича ташхислаш ва даволаш усулларимавзусида замонавий педагогик технологияларни ўрни. Инновацион усул орқали (симуляцион) таълим амалий ишлар, илғор ўқитиши услублари. Ўқитиши сифати ва шифокорлар маҳорати юксалишига, замонавий илғор тажрибаларни ўрганиш.					4
	<b>Жами</b>					8

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

### ТЕРАПИЯ, ЭНДОКРИНОЛОГИЯ, КЛИНИК ФАРМАКОЛОГИЯ

1	Терапия фанларни ўқитишида ўқув - услугбий таъминот. Терапия фанларни ўқитишида интерактив усуллари билан фойдаланиш.	6			6	
2	Педагог-врачларни ўқитиши жараёнини оптималлаштириш усуллари (вазият масалалар, иш	4			4	

	ўйинлари, презентациялар)	дискуссиялар,					
	<b>Жами</b>		<b>10</b>			<b>10</b>	

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу:**Терапия фанларида профессор-ўқитувчиларнинг “Педагогик маҳорати”.**

Терапия фанларида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати педагогик маҳорат–врач -педагогни шахсий ва касбий фазилатларини белгиловчи шундай хусусиятки, у ўз фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик, психологик, методик тайёргарлигида, талаба – ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва маълумотли қилишнинг оптимал йўлларини излаб топишида намоён бўлади. Тингловчиларнинг клиник фанлари муаммоларини таҳлил этишда педагогик маҳорат бўйича кўникма ва малакаларини шакллантирилади.

Педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан-наслга ўтадиган хусусият эмас, балки тинимсиз изланиш, ҳам илмий, ҳам амалий шаклдаги ижодий меҳнат маҳсулидир. Бу кўп қиррали педагогик фаолият заминида ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолип шаклида қолиб кетадиган иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

## **2-мавзу: Терапевтик фанларда муаммоли ўқитишини қўллаш.**

**Терапия фанларини ўқитишаузлуксиз таълим тизими учун электрон ўқув адабиётларини яратиш усуллари .**

- Берилаётган ахборотнинг турли хилдалиги (аудио, видео, график органайзер, схемалар ва х.к);
- хар бир талабага индивидуал ёндашиш;
- талабаларнинг мустақил ишини жадаллаштириш
- берилаётган ахборотнинг турли эканлиги, ўйин турида берилиши талабанинг қизиқишини орттиради;
- талабалар фаолиятини ўз вақтида ва объектив баҳолашга ёрдам беради.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **ТЕРАПИЯ, ЭНДОКРИНОЛОГИЯ, КЛИНИК ФАРМАКОЛОГИЯ**

**1-амалий машғулот:** Терапия фанларни ўқитища ўқув - услубий таъминот. Терапия фанларни ўқитища интерактив усуллари билан фойдаланиш.

Терапия фанларни ўқитища ўқув - услубий таъминот. Терапия фанларни ўқитища интерактив усуллари билан фойдаланиш.

**2-амалий машғулот:** Гурухда ўқитиши жараёнини оптималлаштириш усуллари (вазият масалалар, иш ўйинлари, дискуссиялар, презентациялар)

Вазият масасалар билан таништириш, уларни тиббий клиник фанларни ўқитишдаги ахамияти, клиник фикрлашни шакллантириш.

Иш ўйинларни технологияларни тадбик этиш, дискуссиялар ўтказиш методикаси. Презентациялар ўтказиш методикаси. Хар бир машғулотда уларни расмийлаштириш. Клиник фанлари муаммоларини ҳал этиш стратегияларини амалиётга татбиқ этишга ўргатади. Гурухда ўқитиши жараёнини оптималлаштириш усуллари (вазият масалалар, иш ўйинлари, дискуссиялар, презентациялар). Клиник аудит вазифалари.

## ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан: бинар-маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.
- ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қўйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:
  - маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул; симуляцион таълим.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ



“SCAMPER” усули

<b>SUBSTITUTE (АЛМАШТИРИШ)</b>	німа билан алмаштириши мүмкін?
<b>COMBINE (БИРЛАШТИРИШ)</b>	німаларни бирлаштириши мүмкін?
<b>ADAPT(МОСЛАШТИРИШ)</b>	німага мослаштириши мүмкін?
<b>MODIFY/MAGNIFY(МОДИФИ КАЦІЯ БОШҚА ТУРИ (ХОЛАТИ))</b>	Қандай яхшилашим мүмкін? (ортықча ишланған, етмаяпты)
<b>PUT TO OTHER USES (БОШҚАСОХАЛАРДАҚҮЛЛА Ш)</b>	Німа үзгариши мүмкін? (маълумотни шакли, белгилар, ранг ва бошқалар)
<b>ELEMINATE(ҚИСҚАРТИРИ Ш)</b>	яна қандай ҳолда құллаш мүмкін?
<b>REARRANGE/REVERSE (ТАРТИБИННИ ҮЗГАРТИРИШ)</b>	Нимани қайта тиқлаш мүмкін? (Буюртмани үзгартириш, компонентларни алмаштириш)

**Технологиянинг мақсади:** мураккаб масалаларни ечишда янги идеялар қидириб топишга ёрдам берадиган самарали схема. Бу технологиянинг келиб чиқишига барча янги идеялар эскиларининг модифицирланган шакли эканлигига тасдиқловчы кузатувлар сабаб бўлган.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига «SCAMPER» технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари гурухий тартибда тақдимот қилинади.

«SCAMPER» усули қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **Намуна:**

**Фикр:** “Сурункали гепатитларни даволашда гепатопротекторларни самарадорлигини исботланг”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни «SCAMPER» орқали таҳлил қилинг.

**“HWHL креатив” усули**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

<i>KWHL креатив таълим усули</i>	
<b>Нималарни биламан:</b>	<b>Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишиим керак:</b>
<b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b> -	<b>Нималарни билиб олдим:</b>

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар машғулотнинг бошида ва машғулотнинг охирида олган билимларини намойиш этадилар.


### **“Дизайн фикрлаш” усули**

**Методнинг мақсади:** қадамба қадам амалга ошириладиган усул бўлиб оддийдан мураккабга қараб боради. Билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

**Эмпатия- 1** қадамда тингловчи мавжуд муаммога максимал “кўмилиши” керак

**Фокуслаш- 2** қадамда барча йиғилган билимлар масалани ечиш учун конкретлаштирилади. Аналитик фикрлаш ва асосийсини топишга ўргатади.

**Фоя-3** қадам, мия хужуми ёрдамида турли вариантларни ичидан энг фойдалиси, камхаражатлиси танлаб олинади. Бу ғояни таклиф қилган ўқувчи уни химоя қила олиши керак.



**Прототип-** 4 қадам. Ушбу ғоянинг прототипини, моделини ёки макетини ясаш, ролли ўйин ёрдамида кўрсатиб бериш.



Мисол: Смартфон моделини танлаш



Мисол: Автобус бекати моделини танлаш

Мисол: “Ролли ўйин” орқали кўрсатиб бериш.

**ТЕСТ-5 қадам,** прототипни амалиётда синааб кўриш. Қайта боғланишни амалга ошириш.


### “Нима учун” техникаси

“Нима учунчекиши  
ЮИК хавф  
омилига киради?”

**Нима  
учун?**

Нима учун?

Нима учун?



### **«ФСМУ» методи.**

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.


Намуна:

Фикр: “Антивирус терапия сурункали вирусли гепатитларнинг асосий базис давосидир”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### Кластер усули

Умумий амалиёт шифокори ҚВП шароитида қандай текширувларни ўтказа олиши керак.





### ТАҚҚОСЛАШ УСУЛИ

#### Инсультларни ўзаро таққослаш

Геморрагик инсульт	Ишемик инсульт

#### Дориларни ўзаро таққослаш

Бисопролол	Небивалол



**“Ассисмент” усули**

**"АССЕОМЕНТ" УСУЛИ**  
**"ОШҚОЗОН ВА ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ"**

<p align="center"><b>Тест</b></p> <p>Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллгини давомашида құмандыған препараттарни түрхинни күрсатынгы:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Н2 блокаторлари, антиацидлар, антибиотиклар</li> <li>2) Гормонлар, аминокислоталар</li> <li>3) М холинолитиклар</li> <li>4) Антиагрегантлар, ЯҚНВ</li> </ol>	<p align="center"><b>Вазиятты масала</b></p> <p>Бемор овқатланғандан 1,5-2саат үтпач эпигастрал соҳада обриқдан шикоят қилиади, баязда обриқлар тунда безовта қилиади ва овқат қабул қылғандан сүнг обриқлар йүқөлади. Обриқлар түнгіл айниш ва қайт қилиш билан күзатылади.</p>
<p align="center"><b>Тушунча таҳлил:</b></p> <p><i>Helikobacter Pylori</i> бү-----</p> 	<p align="center"><b>Амалий күникима</b></p> <p>Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигида пархез тавсиялари.</p>

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Терапия фанларида профессор-ўқитувчиларнинг “Педагогик махорати”. Терапия фанларини ўқитишида педагогик жараённинг вазифалари. Симуляцион таълим.**

#### **Режа**

1. Педагогик махорат тушунчаси
2. Терапия фанларини ўқитишида педагогик усуллардан фойдаланиш
3. Терапия фанларнимуаммоли ўқитиши ўқитишида куллаш
4. Муаммоли ўқитиши технологияси

**Таянч иборалар:** педагогик махорат, интерактив усуллар, муаммоли ўқитиши, воситалар, вазиятли масалар, симуляцион таълим.

**Педагогика** (юононча «paidagogike» бўлиб, «paidagogos» - бола, етаклайман) – ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан.

**Педагогик махорат** - ўқитувчи – тарбиячиниг шахсий ва касбий фазилатларини белгиловчи шундай хусусиятки, у ўз фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик, психологик, методик тайёргарлигида, талаба – ёшларни ўқитиши, тарбиялаш ва маълумотли қилишнинг оптимал йўлларини излаб топишида намоён бўлади.

Педагогик махорат туғма талант ёки наслдан-наслга ўтадиган хусусият эмас, балки тинимсиз изланиш, ҳам илмий, ҳам амалий шаклдаги ижодий меҳнат махсулидир. Бу кўп қиррали педагогик фаолият заминида ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик махорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолип шаклида қолиб кетадиган иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

**Тиббиётда “Педагогик маҳорат” фанининг вазифалари** - фанга оид бўлган амалий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Республикамизни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида, тиббиётда амалга оширилаётган ислохотлар. Терапия фанини ўқитишида таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмuni, сифати, шакли, методи, воситалари, тамоийлари, шарт-шароитлари ҳамда жараённи тавсифлаш. Олий таълим тизимида педагогик кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш. Касбий ва умумтиббий билимини, даволаш маҳоратини ривожлантириш. Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Касбий компетентликни шакллантириш йўл-йўриқлари. Инновацион фаолият тузилмаси ва педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

Талабаларнинг кайси турга мансублигини биринчи дарсданок аниклаб олиш, кейинги машгулотларни самарали олиб боришга ёрдам беради, чунки хар бир гурухга мансуб булган талабаларга индивидуал ёндашиш талаб килинади. Кичик гурухларда дарс олиб боришда хам талабаларнинг ушбу турларига эътибор бериш максадга мувофик. **“Педагогик маҳорат асослари” фанининг вазифаларига қўйидагилар киради:**

1. Олий ва ўрта маҳсус таълим тизими педагогларининг касбий маҳорат асослари ва турларини билиши, уларни педагогик жараёнда амалда қўллай олиш.
2. Уларнинг талаба ва тингловчиларга дарс машғулотлари вақтида коммуникатив таъсир кўрсатиш маҳоратини эгаллаши. Бу маҳоратни амалда доимий қўллаш кераклигини тушуниш.
3. Педагогик такт (педагогик назокат)нинг йўллари, моҳияти ва тадбиқ чегарасининг меъёрини эгаллаши ва унга амал қилишининг доимийлигига эътибор бериш.
4. Педагогик нутққа, яъни педагог ўқитувчининг нутқ маданиятига эга бўлиши ва дарсларида таълимнинг интерфаол усуllibарини қўллай олиши.

5. Педагог ўқитувчиларнинг дарс машғулотларида педагогик маҳоратнинг бир қирраси сифатида ахборот коммуникацион технологиялардан ўринли, аниқ ва тезкор ҳолда фойдалана олишини ўргатиш.

**Тиббиётда“Педагогик маҳоратнин” г ёрдамчи таркибий қисмлари:**

1. Нутқ малакалари;
2. Тушунарли таъсирчан фикр ва ҳис-туйғуларни сўзда аниқ ифодалаш;
3. Мимика ва пантомимика;
4. Маъноли қараш;
5. Ҳиссий психик ҳолат;
6. Кайфият ёки истеҳзоли табассум;
7. Саводли гапириш;
8. Аниқ имоишора;
9. Рағбатлантирувчи муносабат;
- 10.Ижодий жиддийлик.

Педагогик техника бир қанча усулларнинг йиғиндиси бўлиб, бўларга:

1. Ўқитувчининг ташқи кўриниши;
2. Ўқитувчининг нутқи киради.

“Педагогик техника” тушунчаси бир қанча таркибий қисмларга ажратилади ва бу таркибий қисмларни иккита гурухга ажратиш мумкин.

**Биринчи гурӯх** - бу таркибга врач -ўқитувчининг ўз хатти-харакатларини бошқара олиш киритилади. Яъни ўқитувчининг ўз гавдасини бошқара олиши (мимика, пантомимика), ўз ҳис-туйғусини ва кайфиятини бошқара олиши, ижтимоий перцептив қобилияти, нутқ техникаси кабилар киради.

**Иккинчи гурӯхнинг** таркибий қисмлари – жамоага ва шахсга таъсир эта олиш малакаси билан таълим ҳамда тарбия жараёнининг технологик томонлари ҳисобланади. Яъни дидактик, ташкилотчилик, конструктив, коммуникатив малакалар, ўқувчиларга талаб, баҳолашнинг техникаси, педагогик мулоқатни бошқариш, синф жамоасида ижодий ишни ташкил этиш ҳолатлари киради.

Ёш ўқитувчилар педагогик техникасида қуидаги жузъий камчиликлар учрайди:

1. Талаба ёки унинг ота-онаси билан сидқидилдан сўзлаша олмаслиқ;
2. Газабни тухтата олмаслик ёки уни ўз ўрнида ишлата олмаслиқ;
3. Ўзида ишончсизликни енга олмаслиги;
4. Нутқининг равон эмаслиги;
5. Ортиқча қаттиққууллик;
6. Хушмуомала бўлишдан қўрқиш;
7. Жуда тез гапириш (айниқса дарсда);
8. Ортиқча ҳаракат ёки бир жойда қотиб қолиш, қўлларини қаерга қўйишини билмаслиқ;
9. Ўз гавдасини тутишдаги камчилик (букчайиб, ерга қараб юриш, бефойда кулиш, ортиқча ҳаракат) турли жисмларни қўлида айлантириб юриши;
10. Товушдаги камчиликлар: бир оҳангни зерикарли гапириш, нутқининг хаётий эмаслиги, ифодали ўқиши малакасини йўқлиги (дикция);
11. Нутқдаги камчиликлар: аниқ талаффуз тарзининг йўқлиги, хона учун зарур товуш қаттиқлигини танлай билмаслиги.

Юқоридаги камчиликлар ўқитувчи учун талабаларга самарали таъсир этишга ҳалақит беради. Уларга талабалик даврида барҳам бериши, бўлажак педагоглар учун жуда ахамиятлидир. Бунга маҳсус машқларни мустақил равишда тақрорлаш натижасида эришилади.

Тарбиячининг ташқи кўриниши эстетик жиҳатдан ифодали бўлиши зарур. Ташқи кўринишга бефарқ қараш ҳам, унга ортиқча зеб бериш ҳам тарбиявий ишда зааралидир.

### **Симуляцион таълим**

Тиббиётда симуляцион ўқитиши бўйича мутахассисларининг услубий тавсиялари, амалий кўмаги билан ташкил этилган ўқув-симуляция лабораторияси ишини самарали йўлга қўйиши талабаларнинг амалий тайёргарлиги, билим ва малакасини баҳолаш, ўзига хос клиник қарор қабул қилиши кўнижасини ривожлантириш, шунингдек, илфор хорижий тажрибаларни татбиқ этишга хизмат қиласи.

Ҳозирги даврда тиббиётнинг ривожланиб бориши, тиббиёт олийгохларида таълим олувчи талабаларга шароит яратиб бериш муҳим тадбир саналади. Инновацион технологияларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, тиббиётда симуляцион муляжларда турли тиббий муолажаларни ўрганиш, тажрибалар ўтказиш, амалий кўникмалар бажариш, турли хил жарроҳлик амалиётлари хамда шошилинч холатлар симуляциясини мазкур муляжлажларда ўрганишнинг имкони мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилиниши асосида Республикамизамда халқаро стандартлар муоффик олий маълумотли кадрлар тайёрлашга лозим бўлган шарт-шароитлар бунёд этилди<sup>10</sup>.

---

10 Узбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

Симуляцион таълим максади - терапия фанларини ўқитишда инновацион технология – симуляцион муляжларда тегишли амалий кўникмаларни бажаришда қўллаш орқали таълим самарадорлигини ошириш



Вазифалари:

1. Терапия фанларининг назарий қисмини инновацион технологияларнинг турли йўналишларини қўллаш орқали фан ўзлаштириш жараёнини тахлил қилиш;
2. Таълим жараёнида терапия фанининг амалий кўникмалар қисмини симуляцион муляжларда бажариш орқали ўқитиш ва амалий машғулотларга тадбиқ этиш.

Республикамиздаги тиббий таълим тизимида инновацион технологиялар, хусусан, симуляцион марказларнинг ўрни ва дарс жараёнидаги ахамиятини ўзига хос хусусиятлари ўрганилади.

Тиббиёт олийгохларида симуляцион марказларни ташкил этилиши – шифокорлар малакасини ошириш хамда талабаларни амалий кўникмаларни ўрганиш ва такрорлашга қаратилган технология хисобланади.

- Симуляцион марказларни ташкил этилиши мутахассисларни тайёрлашда мухим ахамият касб этади, бу эса ўз навбатида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширади.



Симуляцион технология классификацияси:



1. Визуал
2. Тактил
3. Реактив
4. Автоматлаштирилган
5. Аппаратлы
6. Интерактив
7. Интегратив

**Симуляцион технология орқали таълим олишнинг асосий натижалари:**

1. Критик ва шошилинч холатларда кўрсатиладиган тадбирлар алгоритмини ташкил этиш;

2. Бўлажак шифокорларда bemorларга ёрдам кўrsatiш олдиаги психологик тўсиқни енгиб ўтишга ёрдам бериш;
  3. Симуляцион технология асосидаги олиб бориладиган таълимда жамоада иштрок этаётганлар орасидагиларда лидерлик қобилятини шакллантириш;
  4. Турли йўналишдаги мутахассислар бир жамоада ишлашини ташкил этиш.  
Масалан: Симуляцион муляжларда периферик лимфа тугунларини пальпацияси.  
Максад: Талабаларга – симуляцион муляжда периферик лимфа тугунларини пальпациясини ўргатиш.
1. Бемор – симулятор муляж кўрик хонасида, тик турган еки ўтирган, шифокорга караган холатда.
2. Симулятор-муляж танасининг лимфа тугуни катталашган соҳасини (кўлтиқ ости, чов соҳа) кийимдан бушатади.
3. Лимфа тугуни катталашган соҳа кўздан кечирилади, шу соҳа тери холати, унга лимфа тугуни ўсиб ўтган еки утмаганлиги, яра, парчаланиш, ажралмалар, конаш ва бошкалар бор еки йуклиги кўрилади.
4. Сунгра ўсма пальпация килинади, пальпация вактида аникланган лимфа тугунининг зичлиги, харакатчанлиги, атроф тукималар билан bogликлиги, ташки холати ва чегаралари аникланади.



Марказларда мослаштирилган, терапия, педиатрия-неонтология, анатомия анестезиология-реанимация, жарроҳлик, акушер-гинекология, офтальмология,

оториноларингология ва бемор симуляция кабинетлари ташкил этилиб, энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар, зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Таълим сифатини оширишда симуляцион ўқитишнинг қайтариш ва кўп маротаба кузатиш, имитацион ва виртуал тренинг сингари қатор устувор йўналишлари марказ фаолиятига тўлиқ татбиқ этилади. Натижада талабалар бемор билан ишлаш борасида етарли амалий тажрибага эга бўлади. Марказнинг пульт-назорат марказида эса улар шифокор ва талабаларнинг беморни кўриш, у билан мулоқот қилиш, тавсиялар бериш жараёни қай даражада бажарилаётганини виртуал тарзда бевосита кузатиши мумкин. Шунингдек, талабаларнинг амалий кўникмасини назорат қилиш ва баҳолаш учун алоҳида мониторинг маркази ҳам ташкил этилди.





**Амалий машгулотларда интерактив усуллардан фойдаланишда куйидаги коидаларга амал килиш максадга мувофик:**

- Ички касалликлар фанини ўқитишида педагогик технологияларнинг ўрни билан танишиш;
- Талабаларнинг фаоллигини ошириш мақсадида педагогик технологияларни қўллаш йўли билан талабаларни билим олиш даражасини ошириш.

Биринчи коида. Иш жараёнига барча талабаларни жалб этиш керак.

Иккинчи коида. Талабалрнинг психологик тайёргарлигига эътибор бериш. Барча талабалар дарсга бир хил даражада тайёр булиб келмайди.

Учинчи коида. Интерактив уйинда катнашаётган талабалар сони куп булиши мумкин эмас. Уларни кичик гурухларга ажратиш лозим.

Туртинчи коида. Уйинни утказишдан олдан хонанининг тайёрлигига эътибор бериш керак.

Бешинчи коида. Регламентга алоҳида эътибор бериш. Иш жараёнини бошлишдан олдин талабаларга регламент тугрисида маълумот берилади.

Олтинчи коида. Талабаларнинг гурухларга ажратилишига эътибор беринг. Бошида талабаларнинг талабига биноан гурухчаларга ажратган маъкул. Кейинчалик тасодифий ажратиш принципига амал килинади.

Ўқитиши усуллари – бу педагог ва талабанинг хамкорликдаги фаолияти бўлиб, қўйилган мақсадга эришишга қаратилган.

Билим бериш манбасига қараб сўзловчи, кўргазмали ва амалий усулларга бўлинади:

Ўқитиши жараёни қуйидаги асосий элементлардан ташкил топган:

- Мақсад
- Усуллар
- Таркиби
- Воситалар
- Натижалар

**Мақсад** – талаба интилаётган нарса

**Усуллар** – мақсадга эришиш учун қўлланиладиган йўллар

**Таркиби** – талаба эришиши керак бўлган билим ва қўникмалар

**Воситалар** – дарс жараёнида кулланиладиган таркатма материаллар Терапия фанларни уқитишдаги натижалар:

- Билим
- Қуникма
- шахслараро мулокот

Талабаларнинг мулокатини шакллантириш учун куйидагилардан фойдаланилади:

- Муаммоли вазиятни тахлил килиш
- Вокеани рандомизация усули билан тахлил килиш
- Ролли уйинлар
- Тайёрланган касал
- мунозара, дебатлар

*Клиник дарсда муаммони хал килиши йуллари:*

- муаммоли вазиятни тахлил килиш
- Критик холатни тахлил килиш

*Муаммони чукур урганиши учун куйидаги усуллардан фойдаланилади:*

- Дебатлар
- Семинарлар
- Симпозиум
- Проект

*Клиник фанларни далилларга асосланиб уқитиши усуллари:*

- Маъруза
- Симпозиум
- Семинар
- Проект

*Талабаларнинг барини уқитишида 4 турга ажратиш мумкин*

- Активистлар
- Фикр юритувчилар

- Теоретиклар
- Прагматиклар

Терапия фанларни укитишида вазиятли масалалардан фойдаланиш максадга мувофикдир. Масала асосида маълум бир тиббий муаммони хал этиш ётади.

Вазиятли масала турлари:

*Типик* – репродуктивфаолиятга каратилган

*Нотипик* – продуктив аклий фаолиятга каратилган

*Муаммоли вазиятли масала турлари*:

1. Бошлангич маълумотлар етарли булмаган
2. Бошлангич маълумотлар керагидан ортиқча булган
3. Саволи ноаник булган вазиятли масала
4. Зиддиятлар билан берилган масала
5. Факат тахминий ечимни талаб килувчи масала
6. Вакти чегаралангандан масалалар

## **НАЗАРИЙ САВОЛЛАР -**

1. Тиббиётда интерактив ўқитиши усулларини қўллаш қоидалари?
2. Врач-педагогнинг “педагогик махорати” нима?
3. Амалий машғулотлар ўтказиш учун янги технологиялар структураси?
4. Амалий машғулотларда интерактив усуллардан фойдаланишда куйидаги қоидалар?
5. Симуляцион таълимни максади?
6. Симуляцион таълимни вазифалари?
7. Симуляцион таълимни натижалари?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012
2. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2013. – С. 49-68.

3. Алявия О.Т, Яковенко В.И., Усманов Р., Скосырева О.В. Современные интерактивные методы обучения и контроля знаний студентов в подготовке врача общей практики. Ташкент, 2014. – 48 с.
4. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Деловые игры в учебном процессе кафедры норм.физиологии. Ташкент, 2014. - 36 с.
5. Атаканов Ш.Э. Требование к составлению рабочей учебной программы (бакалавриат). Метод.указания. Ташкент, 2013.- 31 с.
6. Боголюбов В.А. Общая физиотерапия ,М., 2011 С.679
7. Ваисов А.Ш. Тери ва таносил касалликлари. Тошкент.2013

## **2-мавзу:Терапевтик фанларда муаммоли ўқитишни қўллаш.**

### **Ўқув - методик материалларнинг турлари**

#### **Режа**

1. Терапия фанларини ўқитища педагогик усуллардан фойдаланиш
2. Муаммоли ўқитиш технологиясида унинг терапевтик фанларни ўқитишдаги ўрни

- “назарий дарс” ва “амалий машғулот” га таъриф бера олади;

- педагогик жараён элементларини санаб берадилар;

-таълим берувчининг дидактик ҳатти-ҳаракатлари мавзусини тушунтириб бера олади;

-ўқитиш ва ўқиш циклининг босқичларини фарқлай олади;

- ўқув мақсадларини турлари бўйича ажратади;

-таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини тадбиқ эта олади.

**Таянч иборалар:** интерактив усуллар,воситалар, вазиятли масала.

#### **Муаммоли ўқитиш усули клиник тафаккурни ривожлантиради:**

tinglovchilar mavzuni инновацион технологиялар усулида ўрганиш натижасида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Кейс: Замонавий шароитда ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган муаммолар.

Кейс: Олий таълимда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш.

Терапевтик фанларни ўқитишида таъхълимнинг асосий мақсади қўйидагилардан иборат бўлиши керак :

- талабаларга мустақил фикр юритиш ва мустақил билим олишни ўргатиш;
- хамкорликда ишлашни ўргатиш;
- бошқалар фикрини тинглай олиш, мунозара олиб боришни ўргатиш, лозим бўлган холларда муроса қилишни билиш

Бугунги кунда таълим жараёнида тез ривожланиб келаётган ва энг кенг қўлланиладиган мультимедиа технологиялари хисобланади.

Олий мактаб замонавий талабларига жавоб берадиган ва ёш мутахассисларни тайёрлашда ўқитиши натижалари, ўқитиши жараёнидаги янги интенсив ўқитиши усууларини киритишга боғлиқ ва бу жараёнда талабаларнинг фаол иштирок этишлари мухим ахамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва киритиш зарурлиги белгиланган. Ўзбекистон тиббий олий ўқув юртларида УАШ ни замонавий тайёрлаш даври таълим тизимининг ислохатини чуқурлаштирилиши, ўқув машғулотларининг фаол формаларини киритилиши билан характерланади.<sup>50</sup>

Янги инновацион технологияларни асосий мақсади – замонавий ахборот шароитларида янги авлодни ҳаётга тайёрлаш, турли ахборотларни қабул қилиш, уни тушунишга ўргатиш, руҳиятга таъсирини англаш, техник воситалар ва замонавий ахборот технологиялар ёрдамида коммуникацияларни новербал шакллари асосида муомала усууларини ўрганишdir.

Олий таълим доирасида ахборот технологияларни ишлатишнинг 3 та ўзаро боғлиқ соҳаларини ажратиш мумкин: аудитория машғулотлари учун, электрон кутубхоналар, Интернет.

---

Ўқув жараёнида компьютер технологиялари асосида ўқитилишини замонавий босқичида қўлланиши ўқитиши усули сифатида компьютерни галдан галгача эмас,

балки мунтазам биринчи машғулотдан охиригисигача ишлатилиши кўзда тутилади.

Дунёнинг етакчи давлатларида (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Франция ва бошқалар) 60 – йиллардан бошлаб медиа таълимга асосий эътибор қаратила бошлади, у ўқувчи ва талабаларга медиамаданият дунёсига бемалол киришга ёрдам беради, оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишда, медиаматнларни тахлил қилишни ўрганишда ёрдам беради.

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, "Интернет"га кириб боришини кенгайтириш, юқори малакали программаловчи мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

---

50 GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.

Хозирги кунда мутахассислар, гурухлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ёки муассасаларининг фаолияти, кўп жиҳатдан уларнинг қай даражада зарурий маълумот ва ахборотлар билан тўла таъминланганлигига, хамда ушбу маълумотлардан қай даражада самарали фойдалана олаётганликларига bogliq bўlib қолмоқда.

**Талабалар билимини баҳолаш ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришда қўлланиладиган замонавий ўқитиш усуллари:**

- Кичик гурухларда ишлаш усуллари.
- Гурухда ўқитиш жараёнини оптимализациялаш усуллари (вазият масала, иш ўйин, конкурс ва презентациялар).
- Кўп функционал масалалар билан боғлиқ бўлган ўқитиш усуллари (клиник аудит, дискурсия, кўникмаларни ўзлаштириш, исботларга асосланган тибиёт ).
- OSCE– оралиқ ва якуний назоратларни текширувчи усул – объектив структурланган клиник имтихон.
- Ўқитиш жараёнидаги мультимедия технологиялари.

## **Амалий машғулотларда қўлланадиган иш ўйинлари:**

“Бўш звено”, “Юмалоқ стол”, “Ручка стол марказида”, “Галерея бўйича айланиш”, “Блиц - ўйин”, “Ноъмалумот”.

## **Масалаларнинг кўпфункционаллиги билан боғлик бўлган рақобат топшириқлар:**

- Иш ўйинлар: “Кондаги мушук”, “Ким кўпроқ?”, “Ким тезроқ?”
- Кроссворд ечиш усули.
- Ўқув дискуссия шаклида машғулот ўтказиш.
- Мультимедия технологияларидан презентация усуллари

## **Ўқитиш жараёнини фаоллаштириш усуллари.**

“Case study” усули ( аниқ вазиятларни анализ қилиш ) .

Вазият масалаларини ечиб талабаларда клиник фикрлашни шакллантириш усули.

График органайзерлар – бу фикрлаш жараёнини яққол тасвирлаш воситаси.

## **Намуна: “Кейс-стади” методи.**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, муаммо, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод хисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш Босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имқониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил варианatlарни амалда қўллаш имқониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

Америкалик психолог олим Бенджамин Блум томонидан яратилган “Блум таксономияси ўрганиш даражаси 6 поғонадан иборат бўлиб, когнитив ўқув мақсадлари соҳаси ушбу поғоналар бўйича фарқланади.

«Билиш» даражаси когнитив соҳанинг энг қуи босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини хотирада сақлаши ва эслashi, уларни номлаши ва айтиб бера олиши керак.

«Тушуниш» босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб етилади.

«Кўллаш» босқичида ўзлаштирилган назарий билимлар турли шаклларда қўлланилади. Тахлил» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни тахлил қилиш имқонини беради.

«Синтез» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлаш ва умумий алоқадорликларни аниқлаш имқонини беради.

«Баҳолаш» даражаси энг юқори босқич ҳисобланади. Бу босқич олинган билимлар асосида маълум қадриятларга тааллуқли ҳолатларни баҳолаш, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш кўникмаларини ўзлаштиришни назарда тутади. Терапевтик фанларни ўқитишида таъхълимнинг асосий мақсади қуидагилардан иборат бўлиши керак :

- талабаларга мустақил фикр юритиш ва мустақил билим олишни ўргатиш;
- хамкорликда ишлашни ўргатиш;
- бошқалар фикрини тинглай олиш, мунозара олиб боришни ўргатиш, лозим бўлган холларда муроса қилишни билиш

Бугунги кунда таълим жараёнида тез ривожланиб келаётган ва энг кенг қўлланиладиган мультимедиа технологиялари ҳисобланади.

Олий мактаб замонавий талабларига жавоб берадиган ва ёш мутахассисларни тайёрлашда ўқитиши натижалари, ўқитиши жараёнидаги янги интенсив ўқитиши усулларини киритишга боғлиқ ва бу жараёнда талабаларнинг фаол иштирок этишлари мухим ахамиятга эга.

Янги инновацион технологияларни асосий мақсади – замонавий ахборот шароитларида янги авлодни ҳаётга тайёрлаш, турли ахборотларни қабул қилиш, уни тушунишга ўргатиш, руҳиятга таъсирини англаш, техник воситалар ва замонавий ахборот технологиялар ёрдамида коммуникацияларни новербал шакллари асосида муомала усулларини ўрганишdir.

Олий таълим доирасида ахборот технологияларни ишлатишнинг 3 та ўзаро боғлиқ соҳаларини ажратиш мумкин: аудитория машғулотлари учун, электрон кутубхоналар, Интернет.

Ўқув жараёнида компьютер технологиялари асосида ўқитилишини замонавий босқичида қўлланиши ўқитиш усули сифатида компьютерни галдан галгача эмас, балки мунтазам биринчи машғулотдан охиригисигача ишлатилиши кўзда тутилади

Дунёнинг етакчи давлатларида (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Франция ва бошқалар) 60 – йиллардан бошлаб медиа таълимга асосий эътибор қаратила бошлади, у ўқувчи ва талабаларга медиамаданият дунёсига bemalol киришга ёрдам беради, оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишда, медиаматнларни тахлил қилишни ўрганишда ёрдам беради.

Хозирги кунда мутахассислар, гурухлар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ёки муассасаларининг фаолияти, кўп жиҳатдан уларнинг қай даражада зарурий маълумот ва ахборотлар билан тўла таъминланганлигига, хамда ушбу маълумотлардан қай даражада самарали фойдалана

## **Б/Б ТЕХНИКАСИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА.**

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдиринг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.

## **”КИМ КҮПРОҚ, КИМ ТЕЗРОҚ?” иш ўйинини ўтказиш усули:**

### **Иш учун зарур:**

1. мавзу бўйича саволлар ёзилган карточкалар ( карточкаларнинг сони гурухдаги тингловчилар сонига teng; ҳар бир карточкада 5 тадан савол бор).
2. Секундомер.

### **Ишнинг бориши:**

1. Ўйин оғзаки тарзда ўтказилади.
2. Тингловчилар навбат билан саволли карточкаларни тўпламдан суғуриб оладилар.
3. Ҳар бир талаба 3 дақиқа давомида карточкада ёзилган саволлар тўпламига (5) оғзаки жавоб беради.
4. Ўқитувчи тўғри жавоблар сонини ҳисоблайди.
5. Ўйинда барча тингловчилар қатнашадилар
6. Ўйиннинг умумий вақти – 45 дақиқа.
7. Тўғри жавоблар берилмаган саволлар муҳокама қилинади.
8. Тингловчиларнинг жавоблари қўйидаги шаклда баҳоланади:  
5 та тўғри жавоб – 100 балл  
4 та тўғри жавоб – 80 балл  
3 та тўғри жавоб – 60 балл  
2 та тўғри жавоб – 40 балл  
1 та тўғри жавоб – 20 балл  
0 та тўғри жавоб – 0 балл
9. Тингловчилар олган балл машғулотнинг жорий баҳосини қўйишида хисобга олинади.
10. Жариданинг пастки бўш қисмида иш ўйинининг ўтказилганлиги хақида маълумот гурух сардорининг имзоси билан белгиланади.

## **«МИОКАРД ИНФАРКТИ» профилактика бўйича**

### **1.«Ким қўпроқ, ким тезроқ?»иш ўйини.**

#### **Иш ўйинини ўтказиш учун саволлар:**

1. Миокард инфаркти бирламчи профилактикаси хақида тушунча беринг.
2. Миокард инфарктининг иккиламчи профилактикаси.
3. Миокард инфарктининг учламчи профилактикаси.
4. Миокард инфарктининг хавфли омилларни айтинг.
5. Миокард инфарктига олиб келувчи сабабларни сананг.
6. Миокард инфаркти билан ўғриган bemор қайси профилактика турига муҳтож.
7. Миокард инфаркти билан ўғриган bemорларда асоратларни олдини олиш учун нима қилиш мумкун.
8. Миокард инфарктининг олдини олиш бўйича тавсияларингиз.
9. Миокард инфарктининг астматик шаклида учламчи профилактикани айтинг.
10. Миокард инфарктининг аритмик шаклида учламчи профилактикани айтинг.
11. Миокард инфаркти ва қандли диабет билан оғриган bemорларда учламчи профилактиканинг ўзига хослиги айтинг.
12. Миокард инфарктинидаги оғриқнинг атипик жойлашувли шаклини айтинг

#### **“ЎРГИМЧАК ТЎРИ” иш ўйини:**

- 1-қатнашчи:**
- 1.** Миокард инфаркти ва қандли диабет билан оғриган bemорларда учламчи профилактиканинг ўзига хослиги айтинг.
  - 2.** Миокард инфаркти асоратларининг олдини олиш хақида сўзланг.

**2-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг аритмик шаклида учламчи профилактиканы айтинг.

2. Миокард инфаркти бирламчи профилактикаси хақида тушунча беринг

**3-қатнашчи:** 1. Сурункали юрак йетишмовчилигининг учламчи профилактикаси.

2. Миокард инфарктининг қиёсий ташхисини сўзланг

**4-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг клиникаси

2. Юрак аритмияларида учламчи профилактика

**5-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг атипик шакларини сананг

2. Ўпка шишини диагностикачини сўзланг.

**6-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг абдоминал шаклини айтинг

2. Дресслер синдромини диагностикачини сўзланг.

**7-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг астматик шаклини айтинг

2. Ритм бузилишларини диагностикачини сўзланг

**8-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг аритмик шаклини профилактикаси айтинг

2. Миокард инфарктининг лаборатор диагностикаси.

2. Миокард инфарктини даволашда кўлланиладиган

асосий препаратлар гурӯҳи

**Электрон дарсликлар яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий воситалар**

Республикамиз таълим тизимига ахборот-коммуникация ҳамда инновацион технологияларнинг жадал суръатларда тадбиқ этилиши таълим тизими сифатини оширишни ташкил этишнинг шакли ва мазмунида улкан ўзгаришлар ясамоқда. Ҳукуматимиз томонидан бу борада бир қатор қарорларнинг қабул қилиниши таълим муассасаларини ахборот технологиялари билан жиҳозлашда ҳамда билим олувчиларнинг энг замонавий воситалар орқали таълим олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ўқитиш самарадорлигини оширишда, анъанавий босма дарсликлар билан бир қаторда, замонавий янги авлод электрон ўқув адабиётлари: мультимедияли (кўп ахборотли) электрон дарсликлар, ўқув кўлланмалар, маъruzалар матнлари, электрон дастурлар, дайжест, маълумотлар банки ва бошқалар алоҳида муҳим ўрин эгаллади.

Узлуксиз таълим тизими учун электрон ўқув адабиётларини яратиш усуслари, уларнинг шакл ва турлари, адабиётларни яратишга қўйиладиган талаблар, электрон дарсликларни яратиш босқичлари ҳамда технологияси берилиб, ушбу талабларга амал қилингандагина, юксак савиядаги замонавий электрон дарсликлар яратиш мумкин бўлади.

Мазкур рисола барча турдаги тиббий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий ва услубчи ходимлар учун тузилган бўлиб, педагогик кадрларга электрон ўқув адабиётларини яратишдек мураккаб, маъсулиятли ва шарафли ишда дастуруламал бўлиб хизмат қиласи деган умиддамиз.<sup>39</sup>

Республикамиз таълим тизимига ахборот-коммуникация ҳамда инновацион технологияларнинг жадал суръатларда тадбиқ этилиши таълим тизими сифатини оширишни ташкил этишнинг шакли ва мазмунида улкан ўзгаришлар ясамоқда. Ҳукуматимиз томонидан бу борада бир қатор қарорларнинг қабул қилиниши таълим муассасаларини ахборот технологиялари билан жиҳозлашда ҳамда билим олувчиларнинг энг замонавий воситалар орқали таълим олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ўқитиши самарадорлигини оширишда, анъанавий босма дарсликлар билан бир қаторда, замонавий янги авлод электрон ўқув адабиётлари: мультимедияли (кўп ахборотли) электрон дарсликлар, ўқув кўлланмалар, маъruzалар матнлари, электрон дастурлар, дайжест, маълумотлар банки ва бошқалар алоҳида муҳим ўрин эгаллади.<sup>39</sup>

## Муаллифликвоситалари (authoring tools)

**Муаллифлик воситалари** – бу ўқув контенти ишланмаларининг воситалари. Улар ёрдамида таълимни бошқариш тизимининг (LMS) маълумотлар базасига жойлаштириладиган ўқув материаллар (электрон ўқув кўлланмалар, презентациялар, симуляторлар, видеотренинглар, тестлар) яратилади.

Муаллифлик воситаларини бир нечта турларга ажратиш мумкин:

1. Ўқув курсларнинг редакторлари (тахрирчилар);
2. Презентацияларни яратиш учун воситалар;
3. Тестлар, сўровномалар ва анкеталарни яратиш учун воситалар;
4. Монитордаги тасвиirlарни қамраб олиш учун воситалар;
5. Онлайн семинарларни ўтказиш учун воситалар.

## ARTICULATE STUDIO



**ArticulateStudio** электрон ўқув курсларни яратиш учун имкониятларнинг кенг тўпламларини тақдим этадиган кучли дастурий инструментлар пакетини ўз ичига олади. ArticulateStudio ёрдамида интерактив контент, викторина, сўровлар, баҳолаш ва шу кабилардан фойдаланган ҳолда тақдим этилаётган ахборотнинг кўргазмалилигига эришиш мумкин.

**ArticulateStudio** – тўлиқ функционал ва юқори сифатли интерактив ўқув ресурсларни яратиш учун инструментлар пакети ҳисобланади. Ушбу дастур электрон курслар ишланмалари каби тест ва имтиҳон материалларни ҳам

воситаларнинг битта блокида бирлаштиради. ArticulateStudio фойдаланишда кучли ва оддий инструментларни ўз ичига олади, улар ёрдамида электрон ўқитилувчи ва тест материалларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш амалга оширилади. ArticulateStudio ишлаб чиқилаётган электрон ўқув курсларга турли хилдаги интерактив объектларни киритиш, Flash-форматнинг функционал имкониятларидан фойдаланиш имконини беради, шу билан бирга, электрон таълим учун мўлжалланган материалларнинг юқори сифатига ва кўргазмалилигига эришиш мумкин.

---

Пакетлар таркибига қуйидаги дастурлар киради:

ArticulatePresenter - флэш-презентацияларни ва электрон ўқув курсларни тез яратади.

ArticulateQuizmaker - флэш-викторинани тез яратади.

ArticulateEngage – электрон курсга интерактив контентни осон қўшиб қўяди.

Video Encoder – видеони оммавий флеш форматга конвертациялайди.

Саҳифа:[www.articulate.com](http://www.articulate.com)

## EXE LEARNING



**eXelearning** –электрон таълим учун материалларнинг XHTML редактори. У Web-ишлишмана учун HTML редакторни ёки мураккаб иловаларни ўрганиш заруриятисиз ўқув ва методик Web материалларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва нашр қилиш учун ўқитувчилар ва олимлар учун инструментларни ўз ичига олади.

еХе мавжуд бўлган бир қатор чекловларни енгиб ўтиш учун ишлаб чиқилган:

Веб-авторингнинг кўпгина дастурлари таълим жараёнини ўзлаштириш учун етарлича кўп ҳажмли курсни ўқиш талаб этади, ўқув материалларни нашр қилиш учун интуитив-тушунарли ёки мослаштирилган бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчилар ва олимлар ўқув материални онлайн нашр қилиш учун ушбу технологияларни қабул қилишмади. еХе ўқитувчиларга малакали расмийлаштирилган ўқитилувчи веб-саҳифани нашр қилиш имконини берадиган инструментларнинг интуитивлигини ва улардан фойдаланишнинг оддийлигини таъминлайди.

Бугунги кунда контентни бошқарувчи ўргатилувчи тизимлар (Learning CMS) етарли даражада (веб-ишлилмалар учун ёки веб-сайтларнинг малакали тажрибали ишлаб чиқувчиларининг ҳатти-ҳаракатлари учун дастурнинг имкониятларига нисбатан) веб-контент авторингнинг инструментларини таклиф этишмайди. еХе таркибида LCMS бўлган контентни бошқарувчи ўргатилувчи тизимлар осон жорий этилиши ёки импорт қилиниши мумкин бўлган веб-нашрларнинг малакали имкониятларидан иборат бўлган инструментлар ҳисобланади.

Кўплаб CMS, шу жумладан, LCMS ягона веб-серверга уланадиган муаллифлик материалларни яратиш учун талаб этиладиган марказлаштирилган моделдан фойдаланади. Бу боғланишнинг энг кичик ўтказиш имкониятига эга ёки умумий уланиш мавжуд бўлмаганда муаллифларни чеклайди. еХе серверга уланиш зарур бўлмаган ҳолда ишилмаларнинг автоном инструменти сифатида ишлаб чиқилган.

Кўплаб интуитив муҳитини CMS ва LCMS WYSIWYG ("нимани кўрсам натижада шуни оламан") таъминламайди, бунда муаллифлар материаллари нашр қилингандан кейин браузерда қандай кўринишга эга бўлишини кўришлари мумкин, асосан бу автоном режимдаги ишилмаларга тааллуқлидир. WYSIWYG функционал еХе фойдаланувчиларга материаллари онлайн нашр қилингандан кейин қандай кўринишда бўлишини кўриш имконини беради.

Ишлаб чиқувчининг сайти: [exlearning.org](http://exlearning.org)

## LECTORA



Lectora ва Lectora Online. Интерактив мультимедиа-контентни яратиш учун ва баҳолаш учун ўзини яхши тавсия этган Lectora муаллифлик платформа eLearning ва мобил қурилмалар учун версияни нашр қилди.

Lectora Online – гурӯҳ аъзоларига курс таркиби билан алмашиниш ва ўзгартириш имконини беради. Lectora Online таблеткаларда нашр қилиш учун кўплаб шаблонларга эга (publishing to tablets).

## iSPRING дастури ва унинг имкониятлари

Мультимидали электрон ўқув курсларни яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий воситалар ичидаги юқори рейтингга эга бўлган iSpring дастури хақида тўхталиб ўтамиз.

iSpring Free дастури .PPT, .PPTX, .PPS, .PPSX форматдаги файлларни Flash (.SWF) ва HTML5 форматига конвертациялаш имкониятини берадиган муаллифлик дастури ҳисобланади.

Дастур орқали фойдаланувчилар Flash-роликлар ва YouTube-видео ресурсларни PowerPoint тақдимот слайдларига жойлаштиришлари мумкин.

Хусусан:

- Яратиладиган электрон ўқув контентларни SCORM ва TinCan тизимларга ўткизиш имкониятини беради, бу эса ихтиёрий LMS (Learning menegment system) билан интеграциялаштириш мумкин дегани.
- PowerPoint дастурида яратилган тақдимот файлининг ҳажмини 97% гача сиқиши имконияти мавжуд.
- PowerPoint дастурида яратилган тақдимот файлининг ҳимояланишини таъминлайди.

iSpring Free дастури мутлоқ текин ҳисобланади.

iSpring Free дастуридан ташқари, имконияти кўпроқ бўлган iSpring Suite дастури ҳам мавжуд бўлиб, бу дастур орқали юқори даражада сифатли электрон ўқув контентни яратиш мумкин.

iSpring Suite асбоб ускуналари орқали (QuizMaker, iSpring Visuals, iSpring DialogTrainer) электрон дарсликлар, видеомаъузалар, QuizMaker орқали электрон назорат тестлари, сўровномалар, iSpring DialogTrainer -тармоқланган диалогли электрон курсларни ва онлайн-перезентацияларни яратиш мумкин.

### *iSpring Suite дастури орқали яратилган видеомаъзуза*

Яратилаётган электрон курсга аудио ва видео файлларни қўшиш, аудио ва видеоларни ёзиш, тақдимот слайдлари билан синхронизациялаш, электрон курснинг ҳар хил плеерларини танлаш, тахирлаш, SCORM ва TinCan стандартларида чоп этиш, .mp4 видеоформатида экспорт қилиш имкониятларини беради.

### *iSpringSuite дастури орқали яратилган электрон назорат тестлари*

Шу билан бир қаторда, iSpringVisuals орқали 3D китоблар, вақт шкаласи, глоссарийлар яратиш имконияти ҳам мавжуд

## ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАРНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Схема



## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Judith Tintinalli, J. Stapczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli's Emergency Medicine; A Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
2. Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. –
3. Harrison's Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.
4. Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016
5. GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.
6. Каримов М.Ш. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.
7. Электрон ӯқув адабиётларини яратиш ва расмийлаштириш. Тиббий таълим муассасалари педагоглари учун услубий қўлланма, Ташкент , 2017,

## **1. КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР**

### **1. Кўчма машғулот: Артериал гипертониялар. Замонавий диагностика усуллари.**

#### **Режа:**

1. Артериал гипертониялар ( АГ). Тарифи. Муаммонинг долзарблиги. Патогенез.
2. АГ нинг таснифи.Этиология.Диагностика.
3. Буйракнинг паренхиматоз касалликларидағи АГ ни замонавий диагностикаси.
4. Вазоренал гипертония. Замонавий диагностика.

5. Бирламчи альдостеронизм. Замонавий диагностика.
6. Кушинг синдроми. Замонавий диагностика.
7. Феохромоцитома. Замонавий диагностика.
8. Аортанинг коарктацияси. Замонавий диагностика.
9. Акромегалия. Замонавий диагностика.

**Таянч иборалар:** АБ - артериал босим, САБ- систолик артериал босим, ДАБ-диастолик артериал босим, ЭЧТ- эритроцитлар чўкиш тезлиги, ЎАТЭ -ўпка артерияси тромбоэмболияси, ББ-бета блокаторлар, АКБ-артериал кон босим, АДГ- антидиуретик гормон, АКТГ-адренокортикотроп гормон, САГ-симптоматик артериал гипертония, ААГ-Антиагрегантлар, АЎФИ-АнгиотензинI нинг ангиотензин 2 га ўтишини ўзгартирувчи ингибиторлар

## 1.1 АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ (АГ).

### Ишдан мақсад

АГ ташхисини қўйиш мезонлари. Касалликни эрта ташхислаш. Замонавий диагностика, даволаш ва реабилитация усуллари

Ушбу амалий машғулот давомида қўйидагиларни **бажариш лозим**

- АГ ташхислашни билиш
- Анализлар интерпретациясини билиш
- Беморда касалликнинг белгиларини аниқлай олиш
- АГ дифференциал диагностикаси
- Бемор давони белгилаш

### Ишни бажариш учун намуна

Амалий машғулот ни мустахкамлаш учун қўйидаги манбалар зарур

1. Муляж, таснифлар,расмлар, презентациялар
2. Диагностик усуллар. Янги диагностик усуллар хақида информация
- 3.Анализлар намунаси, даволаш усуллари.
- 4.Дарс симуляцион марказда ўтказилади.

**ТАРИФ.** АГ- бу хар хил патологик жараёнлар натижасида касаллик симптоми сифатида вужудга келадиган артерия гипертониясини симптоматик ёки иккиламчи гипертония деб аталади.

Артериал гипертонияда (АГ) тўғри олиб борилган даво асоратларни, инсультдан ва инфарктдан ўлим холатларини камайишига олиб келади. АГ га чалинган 35% гина беморлар ташхисини аниқ билишади, улардан медикаментоз даво олишади, 21%да 140/90 мм. см. ус.да сақланиб туради<sup>1</sup>.

Симптоматик артериал гипертония артериал гипертонияга чалинган беморларнинг 5-10 % ни ташкил қиласи қолган 90% эссенциал гипертония, яъни гипертония касаллигига тўғри келади.

### **МУАММОНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.**

Артериал гипертензия келиб чиқиш сабаблари,шу касалликнинг этиопатогенези, клиник кечишининг ўзига хослиги, қолдирадиган асоратлари, даволаш принципининг ўзига хослиги билан долзарб мавзу бўлиб хисобланади.

**ПАТОГЕНЕЗ.** Артериал қон босими (АҚБ) характери 3 та факторга боғлиқ:

1. Юракнинг минутлик хажми.
2. Периферик қаршилик.
3. Циркуляция қиладиган қон хажми.

Замонавий тушунчаларга кўра хар хил ташқи омиллар таъсирида бош миянинг АҚБ ни мувозанатда ушлаб турувчи марказида турғун қўзғалиш юзага келади. Натижада симпатик-адренал тизим фаоллиги ошиб, катехоламинлар (адреналин, норадреналин) кўп миқдорда ишлаб чиқарила бошлайди. Бу эса ўз навбатида куйидаги ўзгаришларга олиб келади:

- 1) Периферик томирлар спазмига.
- 2) Юракнинг минутлик хажмининг ортишига

Периферик томирлар спазми ўз навбатида буйрак етишмовчилигини келтириб чиқаради, натижада юкстагломерулар аппаратда ренин ишлаб чиқарилиши ошади. Ренин ангиотензинга таъсир қилиб уни ангиотензин I га айлантиради. Ангиотензин I карбоксипептидаза ферменти таъсирида кучли прессор модда ангиотензин II га айланади ва АҚБ қўтарилишига олиб келади. Ангиотензин II таъсири остида буйрак усти безида альдостерон ишлаб чиқарилиши ортади. Альдостерон гиперсекрецияси организмда натрий ионларини ушлаб қолишига олиб келади. Организмда ушланиб қолган натрий ионлари гипофизда антидиуретик гармон (АДГ) ишлаб чиқарилишини оширади. АДГ буйракда сувнинг реабсорбциясини кучайтиради ва натижада қон томирлар деворлари шишиб, улар бўшлиғининг торайишига олиб келади.

АҚБ хусусиятига таъсир қилувчи омиллардан яна бири эндотелий бўшаштирувчи омил бўлиб хисобланади. Эндотелий бўшаштирувчи омил сифатида азот оксиди NO ишлаб чиқаришади. NO бир неча секундгина яшаб, артериолалар мушак хужайралари ичига кириб уларни бўшашишига олиб келади, натижада артериолалар кенгайиб қон босими камайиши таъминланади. АГ ни хавфли омиллари қўйидагилар:

1. оиласий анамнез (наслий моиллиги).
2. bemorda ёки uning ota-onasida lipid almasinuvining buzilganligi.
3. bemorda ёки uning ota-onasida qandli diabet borgligi.
4. bemorda ёки uning ota-onasida bуйрак касалликларининг aniqlananganligi.
5. semizlik.
6. alkogolъ isteъmol қилиш (bir kunda 60 ml dan kўprox).
7. osh tuzini meёridan ortiq isteъmol қилиш.
8. stress.
9. gipodinamija.
10. chekiш.
11. bemornинг xarakteri va uning atrofidagi muhit.

## **АГ нинг ТАСНИФИ.**

АҚБ хусусиятига кўра АГ нинг янги таснифи таклиф қилинган. Бу таснифга кўра АБ нинг меъёри 130/85 мм.см.уст дан паст қилиб белгиланган. Меъёрнинг юқори чегараси: 130-139/85-89 мм. см. уст.

- 1-босқич. 140-159/90-99 мм. см. уст
- 2-босқич. 160-179/100-109 мм. см. уст
- 3-босқич. 180-209/110-119 мм. см. уст
- 4-босқич. 210 ва ундан юқори/120 ва ундан юқори.

## **АГ нинг ЭТИОЛОГИЯСИ. Симптоматик АГ учрайдиган касалликлар.**

1. Буйракнинг паренхиматоз касалликлари.
2. Вазоренал ёки реноваскуляр гипертония.
3. Бирламчи альдостеронизм (Конн синдроми).
4. Кушин синдроми.
5. Феохромацитома.
6. Аорта коартацияси.
7. Акромегалия.
8. Бирламчи гиперпаратериоз.
9. Дориларга боғлиқ бўлган гипертония.

### **1.3. Симптоматик АГ энг кўп учрайдиган сабаблардан бири бўлиб буйракнинг паренхиматоз касалликлари хисобланади. ВАЗОРЕНАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ.**

Тарқалиши. Барча АГнинг 1% ни ташкил қиласи.

Этиология. Буйраклар артериясининг окклюзияси туфайли буйраклар ишемияси юзага келади. Бунга олиб келувчи сабаблар қўйидагилар хисобланади:

1. Буйрак артерия атеросклерози (кўпинча проксимал 1/3 қисмида учрайди) 60-70% асосан ўрта ва катта ёшдаги эркакларда учрайди.
2. Буйрак артерияларининг фиброму скелляр дисплазияси (25% холларда 2 томонлама) (30-40%). Кўпроқ ёш аёлларда учрайди, буйрак артерияларининг дистал 2/3 қисми заарланади.

3. Буйрак артериялари тромбози ёки аневризми.

Клиникаси. Касаллик клиникасида 2 хил гурух симптоматика вужудга келади.

1. Асосий касаллик симптомлари.

2. Артериал гипертензия симптомлари.

Реноваскуляр АГ түғрисида қўйидаги холларда ўйлаш мумкин.

- АҚБ кўтарилиши 30 ёшгача ёки 50 ёшдан кейин тез авж олганда.
- АПФ ингибиторларидан кейин буйрак фильтрацияси камайганда.
- АГли беморларда тўсатдан буйрак фильтрацияси камайганда.
- Эпигастрал соҳада, қорин ёки ёнбош соҳаларида систолик шовқин аниқланганда.
- Тарқоқ атеросклерозда.

Диагностикаси.

- 1) буйрак томирлари артериографияси (буйрак артериялари стенози).
- 2) Буйрак артерияларининг допплерографияси (турбулент оқим).
- 3) Буйрак стинциографияси (препарат абсорбцияси сурайган).
- 4) Қон зардобида ренин фаоллиги аниқланади.
- 5) Синама 3 кун олдин гипотензив воситалар (каптоприл) берилади.

Синама мусбат: АРП>12 нг/мл/ч. Каптоприл берилишидан олдин 30 ва ва берилишидан кейин 60 қон олинади.

#### **1.4. БИРЛАМЧИ АЛЬДОСТЕРОНИЗМ (Конн синдроми).**

Тарқалиши. Барча АГнинг 1% дан камроғини ташкил қиласди.

Этиологияси.

1. Буйрак усти безининг аденонаси (60% холларда).
2. Буйрак усти безининг гиперплазияси (40%).

Клиникаси. Касаллик клиникасида 2 хил гурух симптоматика вужудга келади.

- 1) асосий касаллик симптомлари.

## 2) Артериал гипертензия симптомлари.

Асосий касаллиги симптомларига миалгия, мушак қувватсизлиги, полиурия, полидипсия киради.

Диагностикаси.

Клиник симптомларидан ташқари текширишларда метаболик алколоз, гипернатриемия, гипокалиемия, қон зардобида ва сийдикда альдостерон миқдорининг ошганлиги, қон зардобида ренин миқдорининг камайганлиги, глюкоза толерантлиги бузилганлиги аниқланади.

Буйрак усти аденомаси ёки гиперплазиясини дифференциацияси учун МРТ, компьютер томографияси (КТ) ёки буйрак усти безлари синтографияси ўтказилади. Бирламчи альдостеронизм ташхисини кўйиш учун Иценко-Кушинга синдромини инкор қилиш лозим.

## 1.6 КУШИНГ СИНДРОМИ.

Тарқалиши. Барча АГнинг 1% дан камроғини ташкил қиласди.

Этиологияси. 70% холатда гипофизда адренокортикотроп гормон (АКТГ) гиперсекрецияси (Кушинга касаллиги) хисобига пайдо бўлади.

АКТГ гиперсекрецияси кўпинча гипофиз аденомасига тўғри келади ва 2 томонлама буйрак усти безларининг гиперплазияси билан кечади. Бошқа сабаблари: буйрак усти безларининг аденомаси ёки раки (15%), буйрак усти безидан ташқари АКТГ ишлаб чиқарувчи ўсмалар (15%).

Клиникаси. Касалликнинг клиникаси хар хил қўринишда бўлиши мумкин. Жумладан тананинг юқори қисмининг семириб кетиши, юзнинг ойсимон қўриниши, танадаги қонталашлари, мушаклар атрофияси, шишлар, стриялар, хусунбузар тошиши, гирсутизм, остеопороз, глюкозага толерантликни сусайиши, гипоклиемия.

Диагностикаси.

Плазмадаги АКТГ нинг миқдори аниқланади, кейин дексаметазонли синама ўтказилади. Бунинг учун 2 кунга дексаметазон 0,5 мг дан хар 6 соатда, кейин 2 кунга 2 мг дан хар 6 соатга қабул қилинади. Иккинчи кунидан бошлаб хар галги

дозани қилингандан кейин плазмадаги кортизол миқдори ва пешобдага эркин кортизол миқдори аниқланади<sup>2</sup>.

Буйрак усти ўсмасида: дексаметазоннинг хар қандай дозаси хам кортизол секрецияси камайишига олиб келмайди, қонда АКТГ топилмайди.

АКТГ эктопик секрецияси синдроми: дексаметазоннинг хар қандай дозаси хам кортизол секрецияси камайишига олиб келмайди, қонда АКТГ миқдори күтарилиган.

## **1.7 ФЕОХРОМОЦИТОМА.**

Тарқалиши. Барча АГнинг 1% дан камроғини ташкил қиласи.

Этиология. 80% холларда норадреналин ишлаб чиқарувчи яхши сифатли кечувчи буйрак усти бези ўсмаси, 10% ёмон сифатли ўсма, 10% икки томонлама ва 10% оиласи мойиллик.<sup>2</sup>

Клиник кўриниши. 50% холларда АГ доимий характерга эга, 50% эса кризли характерга эга. Бир хил холларда эса АГ умуман бўлмайди. Бундай касалларда юрак уриб кетиши, бош оғриши, кўп терлаш, ортостатик гипотония, озиб кетиш, глюкозага толерантликни бузилиши қузатилади.

Диагностика. Клонидинли проба қилинади. Беморга 0,3 мг клонидин берилгандан кейин 3 соатдан сўнг плазмада катехоламиналар миқдори пасаймаса, демак бу феохромацитомадан дарак беради. Ўсмани жойини аниқлаш 90% холларда ўсмани КТ орқали аниқланади. Бошқа усулларга сцинтиграфия ва селектив ангиография киради.

## **1.8 АОРТАНИНГ КОАРКТАЦИЯСИ.**

Тарқалиши: Барча АГнинг 0,1-1% дан камроғини ташкил қиласи.

Этиология: Аортанинг туғма қисқарганлиги, чап ўмров артериясини ўтиш жойидан паст ўтканлиги. қисқариш локал ёки тарқалган бўлиши мумкин.

Клиник кўриниши. Шикоятлари: товоннинг музлашига ва вақти-вақти билан чўлоқланишига. Теширилганда АБ қўлда оёққа нисбатан баланд, тушнинг юқорисидаги чуқурчада қалтираш, кўкрак қафасининг орқа қисмида систолик

шовқин яхши эшитилади, сон артериясида пульс сезилмайды. Рентгенограммада қовурғалар узурацияси, (коллатерал қон айланишнинг қовурғаларарабо артериясида кўтарилиганини сабабли) ва аорта дугасининг деформацияси (3 сонини эслатади). Асоратларига юрак етишмовчилиги, эндокардит, инсультлар бўлиши мумкин. Агар хирургик коррекция қилинмаса беморлар асоратидан оламдан ўтади.

Диагностика: аортография.

## 1.9 АКРОМЕГАЛИЯ.

Тарқалиши. Барча АГнинг 0,1-0,2%холларида учрайди.

Этиология. Соматотроп гармон ишлаб чиқарувчи гипофиз аденонаси. Клиник кўриниши: юмшоқ тўқималарнинг қалинлашиб, қўл ва оёқларини катталashiши. Бўғимларида оғриқ, глюкозага толерантликни бузилиши, макроглоссия. Юрак қон томирлардаги ўзгаришларга АГ (кўпинча оғир бўлмайди), кардиомегалия, ЮИКни эрта пайдо бўлиши, аритмия, ДКМП, қон томир етишмовчилиги (10-20% холларда).

Замонавий диагностика: саматотропин-ингибиорловчи глюкозали тест. 100 гр глюкоза ичганидан 2 соатдан кейин саматотропин гормоннинг миқдори 2 мг/мл дан ошади.

1. АГ тарқалиши ва долзарб муаммолари?
2. АГ таърифи?
3. АГнинг патогенезини айтиб беринг?
4. Агни номедикаментоз даволаши?
5. Гипотензив препаратларнинг таснифи?
5. Ангиотензин ўзгартирувчи фермент ингибиторлари. Таснифи, ножоуя таъсирлари ва уларга карши курсатмалар?
6. Ангиотензин I типидаги рецепторларнинг блокаторлари. Таснифи, ножоуя таъсирлари ва уларга карши курсатмалар?
7. Кальций антагонистлари. Таснифи, ножоуя?  
таъсирлари ва уларга карши курсатмалар?
8. Бетта-адреноблокаторлар. Таснифи, ножоуя?  
таъсирлари ва уларга карши курсатмалар?

9. Диуретиклар. Таснифи, ножоуя  
таъсирлари ва уларга карши курсатмалар?

10. Артериал гипертонияларни даволашда киесий ендашиш?

## **2– кўчма машғулот**

**Сурункали буйрак касалликларнинг диагностикаси ва давоси  
стандартлари ва протоколлари.**

### **Ишдан мақсад**

Гломерулонефрит ташхисини қўйиш мезонлари. Касалликни эрта ташхислаш.  
Замонавий диагностика, даволаш ва реабилитация усуллари

Ушбу амалий машғулот давомида қўйидагиларни **бажариш лозим**

- Гломерулонефритни ташхислашни билиш
- Анализлар интерпретациясини билиш
- Беморда касалликнинг белгиларини аниқлай олиш
- Буйрак касалликлари ва шишли касалликларнинг дифференциал диагностикаси
- Бемор давони белгилаш

### **Ишни бажариш учун намуна**

Амалий машғулот ни мустахкамлаш учун қўйидаги манбалар зарур

1. Муляж, таснифлар, расмлар, презентациялар
2. Диагностик усуллар. Янги диагностик усуллар хақида информация
3. Анализлар намунаси, даволаш усуллари.
4. ТТА нинг симуляцион марказ

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. – Harrison’s Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.
- 2.. Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016
- 3.. John Murtagh - General Practice 6th Revised edition - Australia 2015 English.
4. GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.
5. Harrison`s principles of internal medicine [Текст] = Принципы внутренних болезней по Харрисону. Vol. I. / editors: A. S. Fauci [et al.]. – 17-th ed. - New York [etc.] : McGraw Hill Medical, 2008. - ill.
6. de Faria Pereira B.Á. Rheumatic fever: update on the Jones criteria according to the American Heart Association review – 2015 / B. Á. de Faria Pereira, A. R. Belo, N. A. da Sil // Rev. Bras. Reumatol. – 2017. – Vol. 57 (4). – P. 364–368.
7. Mittal, S. The metabolic syndrome in clinical practice [Text]= Метаболический синдром в клинической практике / S. Mittal. - London : Springer, 2008. - 260 p. : ill. - Bibliogr. at the end of chapters. - Index: p. 235-259
8. Mark A Friend, James P Kohn, Fundamentals of Occupational Safety and Health. 2015.

## II. Интернет сайлар

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).
10. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
11. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
12. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
13. [www.khan academy.com](http://www.khan academy.com)
14. Тошкент тиббиёт академияси: [www.tma.uz](http://www.tma.uz)
15. [www.Medbook.ru](http://www.Medbook.ru)
16. [www.Medlinks.ru](http://www.Medlinks.ru)



## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот:** Терапия фанларини ўқитишида ўқув-услубий таъминот, Терапия фанларни ўқитишида интерактив усуллари билан фойдаланиш:

**Режа:**

- терапия фанларини ўқитишида қўлланиладиган ўқув-услубий таъминот хақида тушунча бериш;
- терапия фанлари муаммоларини ҳал этишда қўлланиладиган ўқув-услубий материалларни амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.
- ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш
- терапия фанларини ўқитишида педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиши жараёнинини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг терапия фанлари муаммоларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- терапия фанлари муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

**Таянч иборалар:** врач-педагогнинг инновацион фаолияти, ўқув – услубий комплекси, ўқитиши жараёнинини технологиялаштириш.


Тингловчилар мавзуни инновацион технологиялар усулида ўрганиш натижасида қўйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

- “назарий дарс” ва “амалий машғулот” га таъриф бера олади;
- педагогик жараён элементларини санаб берадилар;
- таълим берувчининг дидактик ҳатти-харакатлари мавзусини тушунтириб бера олади;
- ўқитиши ва ўқиши циклининг босқичларини фарқлай олади;

- ўкув мақсадларини турлари бўйича ажратса олади;
- таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини тадбиқ эта олади.



**Усулдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади.**



### **“Портфолио” методи.**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган

ўкув-методик ишлари, касбий ютуқлари йигиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	Гурухий
Индивидуал		
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурухи, тингловчилар гурухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

SWOT-АНАЛИЗ			
Strengths –кучли томонлари, weaknesses –кучсиз томонлари, opportunities – имкониятлари, threats – хавф			
ЭГДФС текшириш усулни			
<b>S-Strengths</b>		<b>Weaknesses</b>	
1. Тез ва осон текшириш усулни. 2. Хазм қилиш тизими касалникларни зерта аниқлашга ёлаам беради. 3. Хазм қилиш тизими касалникларга аник ташинс қўйиш унун кўланилади. 4. Хазм қилиш тизими касалниклари асорагларни даволашда кўланилади. 5. Дифференциал диагностика кунища кўланилади.		1. Битта зондни хаммага ишлатилиши. 2. Зондўччамилари индивидуал танланмаслиги. 3. Эндоскопистни кўз кўриш ўтиригини пасайини.	
<b>O-Opportunities</b>		<b>T-Threats</b>	
1. Текшириш учун кетадиган вақт тежалади. 2. Текшириш учун кетадиган меблаг тежалади. 3. Кўчма текширишияга очиб бориш осон ва қулий. 4. Кун давомида бир нечта беморни текшириш имконини беради.		1. Юрак қон тизими касалникларда қўллаб нисбатан бўлмайди (миокард инфаркт). 2. Гўдакларда қўллаб бўлмайди. 3. Бемориарда кучин кўркув бўлса.	

### **“Ассесмент” методи.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**"АССЕОМЕНТ" УСУЛИ**  
**"ОШҚОЗОН ВА ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ"**

<p align="center"><b>Тест</b></p> <p>Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини даволашда құлданадынан препараттарни түрхини күрсатынгі:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Н2 блокаторлари, антиацилар, антибиотиклар</li> <li>2) Гормонлар, аминокислоталар</li> <li>3) М холиноитиклар</li> <li>4) Антиагрегантлар, ЯҚНВ</li> </ol>	<p align="center"><b>Вазиятты масала</b></p> <p>Бемор овқатланғандан 1,5-2саат үтпег эпигастрал соҳада оғриқдан шикоят қилауди, балызыда оғриқтар тунда безовта қилауди ва овқат қабул қылғандан сүнг оғриқтар жүқөлади. Оғриқтар күнгил айниш ва қайт қилиш биан құзатылади.</p> <p align="center"><b>Сизнинг ташжынынгиз?</b></p>
<p align="center"><b>Түшүнчә таҳлил:</b></p> <p><i>Helicobacter pylori</i> бу-----</p> 	<p align="center"><b>Амалий күнікима</b></p> <p>Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигінде паркез тавсиялари.</p>

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Judith Tintinalli, J. Stapczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli's Emergency Medicine; A Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
2. Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. –
3. Harrison's Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.
4. Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016
5. GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.
  
7. Каримов М.Ш. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.

**2-амалий машғулот: Гурухда ўқитиши жараёнини оптималлаштириш усуллари (вазият масалалар, иш ўйинлари, дискуссиялар, презентациялар)**

**Режа:**

Ишдан мақсад: Артериал гипертензия ташхиси ва диагностикаси. Профилактикаси. Овқатланиш меъёрларини билиш, оқсил, ёғ, карбонсувлар мувозанатини билиш. Семизлик, гиподинамия, диабет касалликларини олдини олиш.

Ушбу амалий машғулот давомида қуйидагиларни **бажариш лозим**

- Артериал гипертензия механизми ва сабабларини аниқлаш
- Артериал гипертензияда болалар учун рационал фармакотерапия ўтказиш
- Соғлом ва бемор болалар диета столларини аниқлаш
- Семизликни коррекцияловчи пархез
- Диабет асоратини олдини олиш ва даволаш

**Ишни бажариш учун намуна**

Махсус фанлар ўқитиши методикасига доир илмий изланишлар ўтказишидан мақсад, ўқитиши ва ўрганиш хусусиятларини, самарали методларини ишлаб чиқиши ва амалда қўллашдан, техник воситаларни қўллашга доир масалаларни ечишдан иборат. Илмий изланишлар олиб бориш учун ўқитувчидан фаннинг мазмунини чукур билиш талаб этилади. Кўпчилик талабалар ўзларининг касбий фаолиятларига ўқиш давридаёқ турли кўринишларда асос солиб борадилар (илмий анжуманларда қатнашиш, макетлар ясаш, семинарларда қатнашиш ва х.к.) Илмий педагогик изланишлар жараёнини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин: 1. Ўқитувчининг адабиётларни ўрганиш ва амалий ишлар асосида

муаммони аниқлаши. Ўқитувчи адабиётларни ўрганиш давомида қуидагиларни аниқлаши керак. - ўрганилаётган муаммо тўғрисида асар муаллифининг фикр мулоҳазаси; - ўрганилаётган муаммо тўғрисида аноанавий методдан фарқ қилувчи киритган тақлифлари; - қанақа асосий масалалар адабиётларда ёритилмаганлиги; 44 - муаммони ечишда бундан кейин олиб бориладиган изланишлар. Ўқитшиш жараёнида юзага келадиган муаммоларга қуидагилар киради: - ўқитувчи дарс жараёнида дуч келадиган қийинчилеклар; - камчилик ва қийинчилекларнинг юзага келиш сабаблари. 2. Гипотеза қуриш, яъни ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш. Фактлар ва уларни таққослаш орқали, изланувчи асосланган тақлифни беради. 3. Изланиш натижаларини расмийлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш. Махсус фанларни ўқитиш методикасида илмий изланишларнинг умумилмий ва махсус методлари қўлланилади. Умумилмий методларга назарий изланиш, кузатиш, сұхбат ва тажрибалар (экспериментлар) киради. Назарий методга адабиётлардан ўрганиш ва таълил қилиш ҳамда педагогик тажрибалар асосида олиб бориладиган изланишлар киради. Кузатиш одатда, табиий кузитиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ атвори ва муаммоларидағи ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълим тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўллалинади. Сұхбат методи савол-жавобнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўрсатишини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки сұхбат тарзида, сұхбатдошининг жавобларини ёзмасдан, эркин муомала кўринишини қўллайди. Ҳозирги кунда оммавий савол-жабоб назарияси ва амалиётида интервю ташкил этишнинг кўп усуслари мавжуд: - гуруҳлар билан; - интенсив; - синов ва ҳ.к. Ўқувчилар ижодини ўрганишда уларнинг ўзига хос шахсий фаолиятларига доир омиллар таълил қилинади, холосалар ясалади. Педагогик савол – жавоб методи. Тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибаларнинг бирор томони ёки ҳодисалари

ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қилади. Тестлар, сўровномалар яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, якка ўқувчининг ёки ўқувчилар гурухининг фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишини, келажак орзумкониятларини билиш ва тегишидни хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади. Тест синовлари методи – бу ёзма жавобларни оммавий олиш методидир. Эксперимент – тажриба синов усули таълимтарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларни тадбиқ этиш жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади. Статика маълумотларни таълил қилиш усули. Таълим соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблаъларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув кўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, таълим муассасалирининг қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблаълар статистика усули орқали аниқланади. Математика ва кибернетика усуллари ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқиши мустаъкамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, дифференциал ва якка тартибда (индивидуал) таълим бериш каби жараёнлардир. Ижтимоий тадқиқот методи. Сўровномага саволлар киритади. Бундан мақсад – талаба ёшларнинг касб-хунарга бўлган муносабатларини аниқлаш, талабалар орасидаги дўстлик муносабатларини, ўқув юритидаги шарт-шароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни, динга, хусусан, тасаввуфга бўлган қизиқишларни аниқлаш, талабаларнинг маънавий сифатлари даражасини, билим олишга иштиёқини, адабиётлар билан таоминланганлик даражасини, ўқув тақсимотини, ўқитувчиларнинг ўқитиш савиясини, ўқув кўлланмаларни сифатини, компютер билан машғулот ўтказиш савиясини ва бошқа ижтимоий воқеликнинг барча жабҳаларини қамраб олишдир. Ўқитиш методлари ҳақида тушунча ва уларнинг таснифи. Ўқитувчининг

ўқитишиш методларини танлаши. Ўқитишида кўргазмали қўлланмалар ва техника воситаларидан фойдаланиш Таълим бериш методлари деганда, педагогнинг иш услубларини тушуниш керак. Ўқитувчи ихтиёрида ўқитишининг турли – туман методлари мавжуд. Уларни қуидагича ифодалаш мумкин: 1. Ўқитишида ўқувчининг ҳаракатлари тавсифига кўра: а) фаол методлар (лабораторияда, китоб билан ишлаш) б) суст методлар (маоруза, сухбат, тушинтириш, экспурсия ва х. к. ) 2. Ўқув ишнинг турларига кўра: а) билимларни дастлабки ўзлаштириш методи; б) билимларни такомиллаштириш методи; в) билимларни текшириб кўриш ва баҳолаш методи; 3. Билим манбаларига кўра: а. оғзаки методлар; б) кўргазмали методлар; в) амалий методлар; Ўқитиши методларини танлаш: - биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига; - иккинчидан, ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг муаян материалига; - учинчидан, ўқувчиларнинг илгариги тайёргарлик даражаси ва шахсий тажрибасига боғлиқ. Ўқитувчилар ўқувчиларга ўқув материалини баён этишида дидактиканинг энг муҳим тамойилларидан бири – қўргазмалилик тамойилидан кенг фойдаланилади: а) ўрганиладиган обектнинг асли жуда катта ёки жуда кичик бўлганда (масалан, автоматик тузилмалар); б) ўрганиладиган обектнинг аслини бевосита кузатиш мумкин бўлганда; в) тушинчани график тарзда тасвирлаш талаб этилганда; г) мураккаб обектларни оддийлаштириш ёки ишлаш принципини кўрсатиш зарур бўлганда; д) ҳаракатнинг энг кўп учрайдиган моментида машина механизми ёки деталларнинг жойлашувини қайд қилиш ва кўрсатиш талаб қилинганда. 4. Касбий таълим педагоглари маълум бир қоидаларга риоя қилишлари шарт. 1. Ўқитувчи ўзи дарс берадиган фаннинг мақсади ва унинг бошқа фанлар билан қандай умумийликка эга эканлигини ва фан-техника ривожида қандай ўринни эгаллаши ҳақида маълумотларга эга бўлиши зарур. 2. Дарс режаларини тузишда мавжуд дастурлар, методик қўлланмалар, адабиётлар ва дидактик материаллардан унумли фойдалана билаш зарур. 3. Ҳар бир дарсни ўтишда унинг мақсадини тўла ёритиб

бериши керак. Ўқитиш жараёнига қўйиладиган асосий талабалар Маълумки, ҳар бир ўтиладиган дарсга бир нечта умумий талаблар қўйилади ва бу талаблар ҳар бир дарс ўтилишида ўз ифодасини топиши зарур. Бу талабларга қўйидагилар киради: I. Тарбиявий талаблар: о Юқори савияли эстетик дид ҳосил қилиш. о Дарс услуби ва мазмуни, мақсадини ҳозирги замон талаби билан мувофиқлаштириш. о Ўқитишнинг ҳаётийлигини таоминлаш. 46 о Ўқувчиларда юксак фуқаролик ьояларини мужассамлаштириш. II. Дидактик талаблар: — Дарс вақтидан унумли фойдалана билиш. — Дарс мавзуси ва мақсадини тўғри қўйилиши. — Дарс жараёнида ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини таоминлаш. — Назарий, кўргазмали ва амалий дарс услубларининг муаммоли ўқитиш услуби билан узвий боғлиқлигини таоминлаш. — Дарс жараёнида ўқувчиларда билим, кўникма, малакаларини шақллантириш. — Назарий билимларни амалда тадбиқ этиш. Ўқувчиларни мустақил равища ўз билимларини кенгайтириш ва тўлдиришга ўргатиш. III. Психологик талаблар: ⚭ Ўқитувчи дарс жараёнида ҳар бир талабанинг руҳий ҳусусиятларини ўрганиш ва ҳисобга олиши шарт. ⚭ Ўқитувчи ўзини тута олиши ва назорат қила олиши билан ажralиб туриши зарур. ⚭ Педагогик услубларга амал қилиш. ⚭ Ўзаро дўстона ва ишонч мухитини ҳосил қила олиш. IV. Бошқа талаблар: ⚭ Ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий ҳолатларини назорат қилиш. ⚭ Дарс ўтишнинг турли усусларидан фойдаланиш.

## **Назорат саволлари**

1. Илмий педагогик йўланишлар жараёни босқичлари нималардан иборат?
2. Изланишнинг назарий методи нима?
3. Ўқитишнинг умумий методикадаги кузатишнинг омили нима?
4. Илмий изланишнинг сұхбат методи нима?
5. Ўргатишдаги савол-жавоб методини таълил қилиб беринг?
6. Тест синовлар методини шарълаб беринг?
7. Статистика маълумотларни таълил қилиш усули нима?

8. Таълим методи деганда нимани тушунасиз?
9. Билим манбаларига кўра қайси методлардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Judith Tintinalli, J. Stapczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli’s Emergency Medicine; A Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
2. Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. –
3. Harrison’s Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.
4. Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016
5. GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.
6. Каримов М.Ш. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### I. Кейс: АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИДА БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШДА РЕАБИЛИТАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ҚҰЛЛАШ”

**Үқув предмети:** Терапия

**Мавзу:** “Артериал гипертония касаллигига беморларни даволашда реабилитация усулларини құллаш”

**Кейснинг асосий мақсади:**

Артериал гипертония касаллигига беморларни даволашда талабаларга, күрсатма ва қарши күрсатмаларни түрі аниклаган холда, реабилитация усулларини (реабилитологик чора-тадбирлар дастури, санатор-курорт даволаш) құллашни, даволаш режасини түрі танлай олиш ва касалликка мос равища патогенетик комплекс физиотерапевтик даволаш усулларини танлашни ўргатиши.

**Үқув фаолиятидан кутиладиган натижалар:**

- Кейс мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўриш;
- Артериал гипертония касаллиги реабилитациясидаврачолдида турган вазифаларини күрсатиб бериш;
- Артериал гипертония касаллиги билан оғриган беморларни даволашда оиласвий поликлиника қошида реабилитациянинг салбий омилларини күрсатиб бериш;
- ДЖТ ва физиотерапия омиллари вазифалари, күрсатма ва қарши күрсатмалари, хар бир омилни синдромли құллаш усуллари, санатор-курорт даволаш, самарадорлик мезонлари, физиомухафоза йұналишлари, беморларда күлланғанда үзига хос хусусияттарини афзаллукларини ёритиб бериш;
- Муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини құллаш;

**Ушбу Кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан талабалар қуидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:**

***Талаба билиши керак:***

- Артериал гипертония касаллигига беморларни даволашда даволов жисмоний тарбия, физиотерапия, қарши кўрсатмалар, санатор-курорт даволаш усулларининг асосий йўналишини аниқлаш;
- Артериал гипертония касаллиги билан оғриган беморларни даволашда этиопатогенетик, симптоматик ва синдромли даволашни;
- Беморнинг анамнези, физикал кўриги, клиник, параклиник текширувлар, хамда диспансер кузатувининг натижалари асосида комплекс реабилитацион муолажаларни тавсия этишни;

***Талаба бажара олиши лозим:***

- реабилитация усулларининг асосий йўналишини ва вазифаларини белгилаш;
- поликлиника шароитида bemorning анамнези, физикал кўриги, клиник, параклиник текширувлар, хамда диспансер кўзатувининг натижалари асосида комплекс реабилитацион тадбирларни тавсия қилиш;
- реабилитация тадбирларининг самарадорлик усулларини аниқлай олиш ва қиёсий ёндашиш;

***Талаба амалга ошириши керак:***

- мавзуни мустақил ўрганади;
- бемор учун реабилитологик чора-тадбирлар дастурини тузади;
- бемор учун тавсия этилган ШЖТ ва ФТ амалий кўникмаларини қадамма-қадам бажаради;

### **Талаба эга бўлмоги керак:**

- коммуникатив кўнималарга;
- тақдимот кўнималарига;
- ҳамкорликда ишлаш кўнималарига;
- муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўнималарига
- муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради;
- маълумотларни кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади;
- ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди;
- маълумотларни таққослайди, таҳлил қиласди ва умумлаштиради;

### **Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда Кейснинг тавсифномаси:**

Ушбу Кейс асосида Артериал гипертония касаллигида беморларни даволашда тиббий реабилитологик ёрдам қўрсатишнинг сифатини ошиш, пациентни касаллик тарихи бўйича даво чораларини тематик ўқув хонасида, палатада ва даволаш профилактик муассасаларида тартиб билан олиб борилиш қоидалари аниқ ёритилган. Кейснинг асосий обьекти пациентга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал Кейс бўлиб, маълумотлар айнан касалликка хос вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўнималар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра Кейс муаммоларни тақдим этишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган. Асосий реабилитация омилларидан, яъни даволовчи жисмоний тарбия (ДЖТ), даволовчи физик омиллар (физиотерапия) усулларидан кенг кўламда фойдаланилади. Албатта, бу усуллар бемор учун қулай ва юқори самарадорлиги билан ажралиб туради. Бу хусусиятлардан кенг кўламда фойдаланиш учун уларни тўғри қўллаш ва бошқа даволов муолажалари билан биргаликда самарадорлик даражасини оширган ҳолда тавсия этиш лозим. Шу боис, қуйидаги Кейс Стади тиббиёт билим юртларининг юқори курс талабалари учун мўлжалланган ўқув дастурга мос равишда ёзилган бўлиб, юқорида қайд қилинган муаммоларни ҳал қилиш учун йўналтирилган.

Ушбу Кейсдан даволаш иши бўйича барча физиотерапия ва реабилитология фанларида фойдаланиш мумкин.

## К И Р И Ш

Юрак қон-томир касалликлари кенг тарқалишга мойил бўлиб, даво тадбирларини ўтказилишига қарамай ногиронликка ва эрта ўлимни содир бўлишига олиб келади. Замонавий кардиология шу кунларда ташхислаш, даволаш, янги дори-дармонларни ва жаррохлик усулларини ишлаб чиқишида юқори кўрсаткичларга эришмокда. Шундай бўлса ҳам, бу касалликларнинг аксарияти сурункали кечиши ва вақт ўтган сари bemorning холати оғирлашиши тиббиёт йўналишидаги мутахассисларни янгича фикрлашга мажбур қилиб, патологиянинг асл моҳиятини ва бошка соҳалар билан ўзаро муносабатини қайта кўриб чиқишига ундейди. Бу борада кардиологиянинг реабилитация йўналишида ривож топиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу Кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича талабалар пациентни парваришлаш тамойиллари ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарур.

Гипертония касаллиги (ГК) организмнинг сурункали патологик холати бўлиб, узоқ кўринишли систолидостолик гипертензия ривожланишида генетик келиб чиқиши аҳамиятга эга, марказий асаб ва нейроэндокрин тизим дисфункцияси ва мембрана рецептор патологияси, томирлар, юрак, жигар структураси ўзгаришларига олиб келувчи касалликдир. ГК да қон босимининг ошиши артериал гипертензия симптомларида барчага маълум бўлган сабабларга асосланмаслик керак. Чет элларда қўлланиладиган атамалар рўйхати синдромал ва верификация ташхиси симптомларига ёндошишда “артериал гипертензия” термини қабул қилинган, у артериал босимнинг юқорилик даражаси ва фактини ўзида акс эттиради. Шунинг учун унда бирламчи (эссенциаль) ва (симптомли) артериал гипертензия фарқланади. ГК нинг оқибатлари даражаси юқори (инфаркт, юрак етишмовчилиги, сурункали буйрак етишмовчилиги) ва ўлимга олиб келади. Бундан ташқари қон борсимининг кўтарилиши (oshiishi)атереосклерознинг ривожланиши, юрак ишемик касалликлари билан боғлиқ. Касаллик ўсиб бориши

хавфининг ошиш фактори эркакларда деб ҳисобланилади, аёлларда менопауза, чекиш, холестериннинг 6,5 ммоль/л ошиб кетиши, наслдан наслга ўтиши ҳисобга олинади. Хавфнинг бошқа факторлариға ХС ЛВПнинг пасайиши, ХСЛНПнинг ошиши, диабетда микроальбуминурия, глюкозага таъсирнинг сусайиши, семириш, бир жойда ўтириб қолиш, фибриноген даражасининг ошиши, плазминоген экзогенли тўқима активаторининг пасайиши, 1 турдаги плазминоген ингибитор активаторининг ошиши, аминопротеин концентрациясининг ошиши, коагульяция УП факторининг юқори аҳамияти, гомоцистеин,01–димер СРБ, экстроген етишмовчилиги, юрак қон-томир тизимида сурункали иммун жараён етишмовчилиги борлиги, унинг аниқ қўзғатувчилари борлиги, социаль-иктисодий ҳолатнинг пастлиги, этник қатлам, эндемик географик регионда яшаш, касалликнинг ўзига хос хусусиятлари (яширин агрессивлик, ҳавотирли “А кўринишдаги хулқатвorum”). Қон босимининг ошишига асосан қон айланиш балансининг бузилиши ва томирларнинг периферик қаршилиги сабаб бўлади. Қон айланишининг дақиқавий ошиши ҳам юракка таъсир қиласи, у ўз навбатида миокард қисқариши ва қон циркуляцияси ошишига олиб келади. Томирларнинг периферик қаршилиги артериал тонусининг чидамлилиги ва томирлар ремоделяция қилишдаражасига боғлиқ (медиоинтималь комплекс гипертрофияси натижасида томирларнинг торайиши ва томир девори қатъийлиги ошиши). ГК да гемодинамиканинг бузилиши юрак-қон томир тизими ва буйракдаги ўзгаришларга, прессор ва депрессор механизmlар физиологияси мароми бузилишига боғлиқ. ГК артериал босимнинг ошиши марказий ва симпатик асаб тизими қон айланишидаги ўзгаришларга олиб келади, бу эндокрин аппарат фаоллиги, буйрак функцияси ва микроциркуляция билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги вақтда артериаль гипертензиянинг дастлабки факторлари тузилиши генетик касалликларга мойилликни аниқлаш ҳисобланади, у ионлар транспорт тизими тарқалишининг бузилишида акс этади (кўринади) ва ҳужайра мемранаси цитоплазматик структураси ҳисобланади. Бунинг натижаси кальций алмашинувининг силжиш даражаси, гормональ ҳужайрали алоқаси, гипоталамогипофизар буйрак ости фаоллиги кучайиши кўриниши, ренин-ангiotензин-альдостерон, инсуляр тизим ва

б.к. Хужайраларнинг кальцийга тўйиниши силлиқ мушак томирлари қисқаришини кучайтиради функционал компонентлар периферик қаршилигини оширади. Бунинг натижасида юзага келувчи миокард гипертрофияси ва юқори қисқариш, деворининг кенгайиши ва томирлар торайиши артериаль босимнинг юқори даражасини белгилайди. Натижада артериаль гипертанзия бош мия маркази билан барорецептор алоқанинг бузилиши натижаси, симпатик нервлар, резистив ва сифимли томир, юрак механизмининг ренин-гиотензив активлиги натижаси, алдостерон секрецияси ортиқчали ва ниҳоят, буйрак депрессор механизмнинг сарфланиши (тугаши), (простогландин F2, калликринин, брадикиринин), томирлар 12 простагландин ёки простоциклин, калликреин кининли ва допаминергик тизими, эндотелиал мускуллар таранглигининг бўшашиш фактори) ва юрак (юрак олд бўлмачаси фактори) бўлиб ҳисобланади. Артериал гипертензиянинг патогенетик фактори деб тўқималардаги инсулин резистентлик (натрий реабсорбцияси кучайишига боғлиқ, симпатик асаб тизими фаоллиги ошиши,protoонкоген экспресси ва вазодилитатор стимуллар бўшашиши), томир йўллари рецепторининг қалинлиги ошиши ва миокард, унинг адренергик кортизон секрецияси ортиқча адренергик таъсирларга сезгирилиги ва тиреоид гормонлар, асаб эндрокрин тизими асосий биологик ритми ўзгаришлари ва шу билан бирга юрак-қон томир тизими ритми регуляцияси ҳисобланади. Гипертоник касалликлар патогенезида эндортелий дисфункцияси эндотелин синтези ошишига тегишли ва оксид-азот синтези камайиши асосий ўрин тутади. Юрак ва томирлар реконструкцияси, гипертензиянинг узоқ давом этиши қон айланишининг оғир шароитларда ишлаш оқибатида бузилиши, бўшашишнинг бузилишига олиб келади ва миокард қисқариши, церебраль, коронар, асоратли периферик гемодинамика инсульт, инфаркт, юрак ва буйрак етишмовчилигига олиб келади. ГК нинг асосий синдроми кардиальгия, цефалгия, артериал гипертензия. Юрак қон томир тузилишини қайта тиклашэндотелиал дисфункция, (MAC) дисфункцияси. Нейрогуморал дизрегуляция, мембрана рецептор патологияси, буйрак дисфункцияси ҳисобланади. ГК ни даволашда асосий мақсад АБ нинг прессор ва депрессор механизmlари регуляцияси орасидаги бир хилликни ёки меъёрни тиклашdir.

Терапиянинг асосий вазифаларидан бири миокард функцияси ва структурасини регуляция қилиш, тонус модуляцияси, резистив ва йўғон артериянинг тузилиши, буйрак ва марказий асаб тизими функция коррекцияси ҳисобланади. Бу масалалар ўз навбатида асосий гормональ тизим дисбалансини бартараф қилишни кўзда тутади (симптоадреналь, ренин ангиотензин альдостерон, калликреин кинин, эндотелинли ва б.к.) микрокалькуляциянинг вазоактив жойи яхшиланиши (буйрак, бош мия)синокаротид зона рецептор ўзаро алоқа коррекцияси. Аорта ёйи, бош мия маркази ва буйрак, шунингдек, томир эндотелия мембрана даражаси. Томирлар яssi мушакли элементи. Артериаль гипертензияни даволашда асосий препаратлар нейтротоп воситалар бўлиб. Бу воситалар томирларнинг текис мушакли элементлари антогонист ренин ангиотензив тизим, сийдик ҳайдовчи воситалар киради. ГК ларни физиотерапевтик даволаш МАС (седатив усул) тормозланиш жараёнини кучайтиришга йўналтирилган цефалгия усулларига, артериаль гипертензия коррекцияси (гипотензив усул), симптоадренал тизим фаоллиги пасайиши, вегетокоррекция усули, ренин –ангiotензин- альдостерон (РААС) фаолллигининг камайиши ва АБ регуляция механизми буйрак ҳажм коррекциясига(ВААС модулли усул) йўналтирилади.

### **ГК ни даволашнинг физик даво усуллари**

Седатив усул: электроуийқу терапия. Умумий франклинизация, бош мия ва сегментар соҳа, седатив препаратлар билан даво электрофорези, трансквилизатор, антидепрессантлар, бўйин соҳаси ва бошнинг маҳаллий дарсонвализацияси, йодобром, хлор, азотли ванналар, седатив препаратлар аэрофитотерапияси, доимий аэротерапия.

Гипертензив усуллар: трансцеребраль амплипульсoterапия, илиқ чучук, хлорид натрийли ванналар.

